ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 216 (10.521) / 2005 ЙИЛ 2 НОЯБРЬ

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 1 ноябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юй Хунцзюнь ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбарининг шу йилнинг август ойида Хитойга давлат ташрифи чоғида Ислом Каримов ва ХХР раҳбари Ху Цзиньтао Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартномага имзо чекдилар. Бу ҳужжат Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаб, ўзаро ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берди.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам фаол ҳамкорлик қилади. Айниқса, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Террорчилик ва экстремизм каби иллатларга қарши кураш борасида томонларнинг қарашлари муштарак.

Президент Ислом Каримов элчини янги лавозимда ишга киришгани муносабати билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Хитойнинг ҳамкорлиги келгусида барча йўналишларда янада ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Хитой элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада ривожлантиришга, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратажагини таъкидлади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Сканд Ранджан Тайалдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг дўстона алоқалари узоқ даврларга бориб тақалади. Бугунги кунда халқларимизнинг ана шу азалий алоқалари анъаналари асосида мамлакатларимиз ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари изчил тараққий этмоқда. Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг апрелида Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар бу муносабатлар мазмунини янада бойитиб, ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этди.

Айни пайтда алоқалар барча соҳаларда фаоллашмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда. Яқинда халқаро терроризмга қарши кураш бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримов Ҳиндистон элчисининг Ўзбекистондаги фаолиятига муваффақият тилади.

Сканд Ранджан Тайал Ўзбекистон билан Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш имконияти туғилганидан мамнуният изҳор этди. Умумий манфаатларимизга хизмат қиладиган хайрли ишларни амалга ошириш, хусусан, сармоявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш йўлида меҳнат қилишини таъкидлади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Корея Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ли Дон Пал ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

Ислом Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан, шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани муносабати билан элчини қутлаб, юртимизда бошланаётган миссиясида муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон билан КХДР муносабатлари ривожланиб бораётгани, айниқса, мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилгани таъкидланди. КХДР Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни, миллий тотувликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

КХДР элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

**ЎзА**



Табиий ва доривор гиёҳлар илдизидан шифобахш гален препарати, хапдорилар, сироплар ишлаб чиқараётган "Radix" илмий ишлаб чиқариш корхонасида айни пайтда 50 нафар ходим иш билан таъминланган.

**СУРАТДА: цех оператори Муҳаббат Исмоилова иш устида.**

*Фармон ва ижро*

## ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар назорат органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.**

Мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун барқарор шарт-шароитлар ва ҳуқуқий кафолатлар яратишга қаратилган фаол сиёсат олиб борилмоқда. Жорий йилнинг сўнгги ойларида республика Президенти томонидан ушбу йўналишда бир қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилинди ва уларнинг татбиқ этилиши том маънода мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини фаоллаштириб жонлантиришга имконият яратди.

Давоми 2- бетда.

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

**Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқимиз фаровонлигини ошириш билан боғлиқ кенг қамровли янгиланишларда 6 миллиондан зиёд аъзога эга бўлган касаба уюшмаларининг ўзига хос ўрни, муносиб ҳиссаси бор. Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш борасида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифалар мазкур соҳа ходимларининг ҳам зиммасига улкан масъулият юклайди.**

1 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг тўртинчи қурултойида ана шулар ҳақида сўз борди. Унда Федерацияга бирлашган касаба уюшмаларидан сайланган делегатлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Давоми 2- бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Бухоро вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Тошкентда Республика Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ва «Европа таълим фонди» ҳамкорлигида «Туризм соҳасида миллий классификаторни такомиллаштириш» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди.**

**● Тошкент вилоятидаги «Тўйтепаметаллқурилмалари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси жорий йилнинг тўққиз ойида 2,5 минг тонна металл қурилмалари тайёрлаб, кўзда тутилган режани уддалади.**

**● «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Фарғона вилояти онкология касалхонаси учун Австриянинг «Магате» фонди лойиҳаси бўйича замонавий лаборатория асбоб-ускуналари олинди.**

**● Қутлуғ Рамазон ҳайити арафасида Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйида «Меҳр қолур дилларда» деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Шу куни болалар муассасасига хайрия ва ҳомий ташкилотларнинг вакиллари совға-саломлар топширишди.**

### Жаҳонда

**● Ироқ ҳукумати БМТнинг Хавфсизлик Кенгашидан тинчликпарвар кучларнинг мамлакатдаги фаолиятини яна бир йилга узайтиришни сўради. Зеро айни пайтда маҳаллий ҳарбийлар ва махсус кучлар давлат хавфсизлигини таъминлашга қодир эмас.**

**● Хитой Халқ Республикаси Президенти Ху Цзиньтаонинг Вьетнамга уч кунлик расмий ташрифи бугун ўз ниҳоясига етади. Ташриф давомида асосан иқтисодий кўмак масалалари муҳокама қилинмоқда.**

**● Кечадан эътиборан Россия Федерацияси БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига бир ой давомида раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олди.**

**● Япония Бош вазири Жуньитиро Коидзуми амалдаги ҳукуматни истеъфога чиқариб, янги ҳукумат таркибини эълон қилди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сергели туман Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим масалалари муҳокама этилди.

● **БУГУН** Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида тумандаги кам таъминланган оилалар вакилларига, боқувчисини йўқотган болаларга, қарияларга Рамазон ҳайити муносабати билан совғалар топширилди.

● **КЕЧА** «Қоратош» маҳалла гузарида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан «Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак» мавзуида ўтказилган хайрия тадбирида маҳалла ёшлари, фаоллари, кам таъминланган оилалар вакиллари иштирок этишди.

● **БУГУН** Юнусобод юридик лицейида «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Собир Раҳимов тиббиёт коллежида «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошланғич ташкилот етакчилар Кенгаши учун ўқув семинари ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## САКСОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ КУНЛАРИ

**Саксония федерал ўлкасида Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари тадбири доирасида Дрезден шаҳрида иқтисодий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси делегацияси, ГФР ва Саксония иқтисодиёт вазирликлари, шунингдек, 60 дан зиёд немис фирма ва компанияларининг вакиллари иштирок этди.**

Анжуманни очар экан, Саксония иқтисодиёт вазирлигининг давлат котиби К.Хаберманн Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар савдо ҳамда сармоявий ҳамкорликка мустаҳкам замин яратгани ва бу кўплаб саксониялик тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотганини қайд этди.

–Бироқ мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айрибошлаш ҳажми мавжуд имкониятлар даражасида эмас,–деди К.Хаберманн.–Шунинг учун мазкур иқтисодий анжуман икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларга янги туртки беришига умид қиламиз. Саксония компаниялари ўзбекистонлик шериклар билан аниқ лойиҳаларни муҳокама этишлари баробарида қатор ҳужжатлар, хусусан енгил саноат ва энергетика соҳаларида битимлар имзоламоқчи.

Иқтисодиёт ва меҳнат федерал вазирлигининг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бўлими бошлиғи П.Хартиг Саксонияда Ўзбекистон иқтисодиёти кунларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолгани ҳақидаги фикрларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистонда жиддий иқтисодий ўсиш давом этаётгани ва германиялик тадбиркорлар мамлакат иқтисодиётига узоқ муддатли асосда сармоя киритиш имкониятларини кўриб чиқишаётганини таъкидлади. Буни "Кнауф", "Эвимекс", "Дойче кабель АГ" ва бошқа компаниялар фаолиятида кўриш мумкин,– деди П.Хартиг.

Иқтисодий анжуман доирасида Ўзбекистоннинг сармоявий, енгил саноат, кимё, электротехника, автомобил саноати соҳаларидаги салоҳияти мавзуидаги тақдимот ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Дрезденда Саксония вазирлик ва идоралари, маҳаллий фирма ва компаниялар вакиллари билан музокаралар ўтказишди. Уларнинг якуни ўлароқ, ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланди.

**"Жаҳон"АА**

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таркибида 14 тармоқ ва 14 ҳудудий касаба уюшма бирлашмалари фаолият юритмоқда.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Д.Жаҳонгирова ҳисобот даврида бажарилган ишлар ҳамда келгусида касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Федерация, унга аъзо ташкилотлар фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида маъруза қилди.

2000-2004 йиллар мобайнида республика касаба уюшмалари томонидан асосий эътибор ижтимоий шерикчилик тамойилларини ривожлантириш, шу асосда касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилди. Ҳисобот даврида жамоа шартномалари тузган юридик шахслар сони 27 мингтадан 104 мингтага, республика миқёсидаги тармоқ келишувлари 76 тадан 90 тага кўпайди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилаётган жамоа шартномаларига мувофиқ 3 миллионга яқин меҳнат аҳли ҳар йили узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар оляпти. 100 минг нафар ходим ўқув, қайта ўқув ва касб тайёргарлигидан ўтаётир.

Меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш йўналишида ўтган давр мобайнида 1 миллион 563 минг нафар, жумладан, Оролбўйидан 41,5 минг, меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлардан 13,5 минг нафар бола республикамизнинг баҳаво масканларида жойлашган соғломлаштириш оромгоҳларида дам олди.

Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, хотин-қизлар ва болаларни спортга кенг жалб этиш мақсадида ўтган даврда Самарқанд вилоятида замонавий сузиш ҳавзаси, Сурхондарё вилоятида стадион, кураш ва бокс заллари, сув ҳавзаси қуриб ишга туширилди. Гулистон шаҳридаги спорт комплекси, Навоий номидаги миллий боғдаги спорт иншооти реконструкция қилинди. Қашқадарё, Наманган вилоятларидаги спорт комплекслари ҳамда касаба уюшмаларининг «Яккасарой» спорт мажмуаси, Янгийўл туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қурилиш-реконструкция ишлари давом этмоқда.

Шу билан бирга, делегатлар мавжуд камчилик ва муаммоларни атрофлича таҳлил этиб, уларни бартараф этиш йўлларини муҳокама қилдилар.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди.

Музокарада Олий Мажлис Сенати аъзоси, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти бош директори В.Кучеров, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ж.Алимхўжаева, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари А.Акбаров, Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах вилоятидаги «Қуёшсевар-Парда» фермер хўжалиги раиси П.Зиётов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Сурхондарё вилояти кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори Р.Муҳамадиев, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси С.Ниетуллаев ва бошқалар сўзга чиқди.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Устави киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан қабул қилинди.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси этиб Д.Жаҳонгирова қайта сайланди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев иштирок этди.

**ЎзА**

## ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, солиқ юкини қисқартириш, текширувлар тизимини такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар олиб борилаётгани, бизнес-тузилмалар манфаати йўлида татбиқ этилаётган бир қатор имтиёзлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги имкониятларини сезиларли даражада яхшилашга эришилди. Чунончи, бунга мисол тариқасида қуйидаги рақамларни келтириш ўринлидир. Ўтган йилнинг шу даврига мос равишда ҳисобот йилининг тўққиз ойи мобайнида Тошкент шаҳри бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 18 фоизга, халқ истеъмоли моллари ҳажми — 17 фоизга, экспорт ҳажми — 105 фоиз (деярли икки баробар)га ошди ва бунда тадбиркорлик тузилмаларининг ҳиссаси салмоқлидир.

Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган қизғин жараённинг мантиқий давоми бўлиб, унда тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини тубдан ўзгартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга эътибор қаратилган. Мазкур Фармоннинг ижросини таъминлаш борасида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан яқин ва келгуси даврга ҳаракатлар намунавий дастури ишлаб чиқилди ва унда янги таркибдаги шаҳар комиссиясининг асосий мақсад ва вазифалари ҳам ўз аксини топган.

Ушбу дастур асосида комиссиянинг жорий йилнинг тўртинчи чораги учун ҳам иш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ундан шунингдек, Республика Кенгашига тасдиқлаш учун бир қатор таклифлар, шу жумладан текширувларни қисқартириш юзасидан ҳам таклифлар ўрин олган.

Кейинги йиллар давомида хўжалик субъектлари бўйича ўтказилган текширувлар динамикасини таҳлил этадиган бўлсак, уларнинг анча камайганини кузатиш мумкин. Жумладан, 2003 йилда 12.816 та, 2004 йилда – 7.136 та текширувлар ўтказилган бўлса, жорий йилга 4.835 та текширув режалаштирилганди. Кўриб турганимиздек, уч йил давомида текширувлар сони деярли уч баробар қисқарган. Қайд этиб ўтилган Фармонга биноан жорий йилнинг тўртинчи чорагида текширувлар сонини яна 571 тага камайтирилиши кутилмоқда. Гап микрофирма ва кичик корхоналар тўғрисида кетмоқда. Эндиликда микрофирма ва кичик корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда бир мартадан ошмаган равишда режа асосида текшириш белгиланди.

Жорий йилнинг 1 октябрига қадар шаҳарда 34.573 та тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказилган бўлса, шундан 22.952 таси — микрофирмалар, 6.110 тасини эса кичик корхоналар ташкил этади. Афсуски, охирги рақамлар таҳлил қилинганида, шулардан тегишли равишда 2.424 та ва 723 таси фаолият юритмаётгани, 2.194 та ҳамда 585 таси бўйича тугатиш жараёни олиб борилаётгани аниқланди. Шундай бўлса-да, тадбиркорлик субъектларининг қайд этилган тоифасининг асосий қисми эндиликда назорат органлари текширувларидан тўрт йилгача халос этилади, бу эса, шубҳасиз, уларга тўсиқларсиз ва барқарор ишлашига катта имконият очилишидан далолатдир. Шу билан бирга янги меъёрлар бўйича энди ташкил қилинадиган микрофирма ва кичик корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятида улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди.

Тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди. Шу каби янги меъёрий-ҳуқуқий қоидаларни тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида ўтган вақт давомида тадбиркорлар ва назорат органлари вакиллари иштирокида 12 та ўқув семинарлари ўтказилди, жойларда янги Фармонни тарғиб этиш юзасидан амалий ишлар давом этмоқда. Бироқ, йиғилишда кўрсатиб ўтилганидек, шу каби тадбирларда 3400 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари иштирок этган, бу эса умумий кўрсаткичнинг атиги 10 фоизини ташкил этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда жойларда тушунтириш ишларини кучайтириш зарурлиги, шунингдек назорат органлари вакилларининг билим даражасини ошириш ва бу борада махсус ўқув-семинарлари ташкил этилиб, уларнинг натижаси бўйича ҳудудий комиссиялар даражасида мутахассислар аттестациясини ўтказиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бундай тадбирнинг аҳамияти бевосита Фармон талаблари билан боғлиқ бўлиб, назорат органларининг амалга ошираётган текширувлари самарадорлигига масъулиятини оширишни тақозо этади ва бу борада эътиборни айниқса режадан ташқари текширувларга қаратиш лозимлигига урғу берилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Умар Исмоилов ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Галина Саидова Фармоннинг аҳамияти хусусида тўхталган ҳолда ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Айнан режадан ташқари текширувлар кўп ҳолларда асоссиз ўтказилганлиги сабабли натижасиз бўлиб қолаётганини инобатга олиб, ҳудудий комиссия аъзолари томонидан ушбу муҳим жараёнга жиддий ёндошиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, назорат органларига «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун моддаларига қатъий мувофиқ равишда режадан ташқари текширишлар ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган фавқулодда ҳолатларда уларни ўтказишга рухсат бериш, бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш йиллик ва чорак мувофиқлаштирувчи режа-жадвалларини шакллантиришнинг аниқ асосланган тамойиллари ишлаб чиқилишини таъминлаш лозимлигига аҳамият қаратилди. Ўз навбатида, ҳар бир назорат органига алоҳида саволнома ишлаб чиқиш ва текширувлар жараёнида ўз ваколатлари чегарасидан чиқмаган ҳолда унга қатъиян риоя этиш тавсия этилди.

Ҳудудий комиссиялар тузилмасида эндиликда жамоат кенгаши ҳам ташкил этилиб, унинг фаолияти тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилади. Бу борада кенгаш ҳудудий комиссиялар ва назорат органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш, тадбиркорларнинг таклиф ва эътирозларини ўрганиш, ҳуқуқий йўналишдаги, шу жумладан назорат органлари вакилларининг билим даражасини ошириш борасида ҳам таъсирчан, чора-тадбирлар ташкил этиш ҳуқуқига эга. Умуман олганда шаҳар, шунингдек туман ҳудудий комиссиялари негизида жамоат кенгашининг тузилиши биринчи навбатда назорат органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга йўналтирилган.

Йиғилишда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди, шунингдек шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Зафар Ҳошимжоновнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги Фармони талаблари юзасидан амалга оширилаётган ишлар, шаҳар давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи Жалолиддин Ҳукумовнинг туман ҳудудий комиссиялари фаолияти ҳамда Ҳамза тумани ҳокими Шуҳрат Абдуқодировнинг туман комиссиясининг жорий йилнинг тўққиз ойи бўйича қилинган ишлари ва келгуси режалари тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

*Кузги чақириқ*

# ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

**Куни кеча Тошкент шаҳар йиғин пунктида шаҳримиздан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни Қуролли Кучларимиз сафларига навбатдаги кузатиш маросими ўтказилди.**







Тадбирнинг тантанали қисмида муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчи йигитлар майдон узра саф тортишди. Кўнгилларни Ватан муҳаббати ва улуғлигига ундовчи Мадҳия садолари янгради. Кўзимиз беихтиёр эл-юрт осойишталиги учун бел боғлашдек масъулиятли, шунинг баробарида шарафли юмушга чоғланган азамат ўғлонларнинг қўлларини кўксиларига қўйиб мағрур туришига тушди-ю улар зиммасидаги залворли вазифанинг улуғвор қадр-қимматини бир қадар англаб етгандай бўлдик...

Шундан сўнг сўзга чиққан Қуролли Кучларимиз масъуллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар мамлакатимиз мудофаа қудратини юксалтиришга сафарбар этилаётган довюрак йигитлар Ватан олдидаги бурчларини намунали хулқ, юксак интеллектуал ёндошувлари орқали ҳарбий низомларда кўрсатилган барча талабларга оғишмай ёндошган ҳолда хизматни аъло даражада ўташларига ишонч билдиришди.

Биз фурсатдан фойдаланиб муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган йигитларни суҳбатга тортдик.

— Ватанимизнинг ҳар бир қаричи биз учун муқаддас, — дейди Чилонзор тумани, Юнус Ражабий кўчаси, 24-хонадондан ҳарбий хизматга чақирилган Жамолиддин Абдуллаев. — Ёшлигимданоқ ҳарбий хизматнинг сир-асрорларини пухта эгаллашга қизиқардим. Фурсат келган экан мана, ҳарбий хизматга жўнаб кетмоқдамиз. Ота-онам, укаларим, қариндош-уруғларим олдида сўз бериб айтаманки, хизмат давомида ҳар дақиқада халқимга, Президентимга содиқ бўлишга бутун куч-ғайратимни сафарбар этаман.

— Бугун мен учун қувончли кун, — дея суҳбатимизга қўшилади бўлажак аскарнинг волидаси Донохон опа Абдуллаева чексиз ғурур ва ифтихор билан. — Негаки ўғлимни ҳарбийга кузатишни ният қилгандим. Бугун орзуим ушалди. Ўзимни дунёдаги энг бахтли оналардан бири деб биламан. Илоҳим, ўғлим ва унинг дўстлари бахтига юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, сарҳадларимиз дахлсиз бўлсин. Ой бориб, омон қайтишсин.

Ҳозирги даврда ҳар бир соҳани ислоҳотларсиз тасаввур этиш қийин. Шу маънода Қуролли Кучларимизда янгиланиш сари дадил қадамлар ташланаётгани, профессионал армияни шакллантириш тамойиллари изчил йўлга қўйилаётгани сир эмас, албатта. Бинобарин, бугунги армия собиқ тузум давридагидан тубдан фарқ қилади. Шундай экан ҳарбий хизматга чақирилувчи қандай талабларга жавоб бериши зарур?

Биз шу каби саволларга мухтасар жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи, подполковник Анвар Саломовга мурожаат қилдик:

— Яширишнинг ҳожати йўқ, авваллари йигитларнинг жисмоний саломатлиги, тайёргарлиги деярли ҳисобга олинмасди. Шу сабабли ҳарбий хизматдан соғлиғини йўқотиб қайтганларни кўплаб учратиш мумкин эди. Мустақилликнинг бизга берган инъомини қарангки, энди биз ҳарбий хизматга ҳар томонлама етук, чиниққан йигитларимизни юбориш имконига эга бўлдик. Агар бугунги тадбир мисолида оладиган бўлсак, Қуролли Кучларимизга сафарбар этилаётган чақирилувчилар бундан бир қанча муддат олдин тест синовларидан муваффақиятли ўтишган. Синовларда улар балл йиғиш тартибига кўра, спорт, жисмоний тайёргарлик, соғломлик, интеллектуал қобилият, оилавий шароити ва руҳий тайёргарлик борасида ўзларининг амалда нималарга қодирлигини исботлаганлар.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТЛАРДА: муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларни кузатиш маросимидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Кўргазмалар*

# ИЖОДКОРЛАР СУЛОЛАСИ

**Шаҳримиздаги Замонавий санъат марказида Мирзаҳмедовлар, Харитоновлар, Облақуловлар ва ғурумсаройлик уста–Ваҳобжон Буваевларнинг «Ижодкорлар сулоласи» мавзуидаги кўргазмаси очилди.**

Таъкидлаш жоизки, Мирзаҳмедовлар оиласининг ижоди ранг-баранг ва кўп қирралиги билан барчамизга маълум. Сулоланинг бош вакилларидан Г. Скоков, Татьяна ҳамда Ҳаким Мирзаҳмедов таниқли рангтасвирчилардир.Авлод давомчилари Диля ва Тимур Мирзаҳмедовлар оилавий анъанани рангтасвир, либос санъати ва компьютер графикасида давом эттирмоқдалар. Мирзаҳмедовлар республика ва хорижий кўргазмаларнинг фаол иштирокчилари ҳисобланиб, ижодкорларнинг асарлари Ўзбекистоннинг кўплаб музейлари ва хорижий давлатларнинг хусусий тўпламларидан муносиб ўрин олган.

Кўргазма иштирокчиларидан яна бир сулолавий ижодкорлар– Харитоновлар оиласи тасвирий санъатнинг рангтасвир, каштачилик, ҳайкалтарошлик ва безакдор пластика йўналишларидаги асарлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

XVII асрлардан буён ижод қилиб келаётган ургутлик кулол усталар — Облақуловлар сулоласидир. XX асрнинг машҳур устаси Маҳкам Облақулов, унинг фарзандлари Тоштемир, Номоз, Нўъмон ва уларнинг фарзандлари сулолавий анъанани давом эттириб келмоқдалар. Шунингдек, каштачилик санъати билан машҳур бўлган бу оиланинг қўли гул бекалари яратган ўнлаб каштачилик асарлари намуналари кўргазмадан жой олган.

Эътиборли томони, Ғурумсарой кулолчилик мактаби мамлакатимизнинг қадимги санъат марказларидан биридир. 1970-80 йилларда ушбу марказ сулоланинг тўрт вакили Ҳ. Сатимов, М.Раҳимов, Х. Ҳакимов, М. Тураповлар орқали ривожланиб борди. Бугунги кундаги Ғурумсарой мактабининг анъана ва меросини сақлаб, давом эттириб келаётган замонавий уста кулол Ваҳобжон Буваевнинг кўплаб асарлари кўргазма экспозициясида намойиш этилмоқда.

Кўргазмада 400 дан ортиқ асарлар ўрин олган бўлиб, у 13 ноябргача давом этади.

**Юлдуз РИЗАЕВА**

*Таълим*

# ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

**XXI аср ёшлардан катта билим, ўзига хос иқтидор эгаси бўлишни талаб этмоқда. Ҳозирда икки-уч хориж тилини пухта ўзлаштирмай туриб, тараққиёт сари дадил интилиш душвор.**

Талаба ёшларга хорижий тилларни ўрганишларига кўмак бериш мақсадида шаҳримизда фаолият олиб бораётган «Ҳамкорлик» маркази ходимларининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир.

Куни кеча марказ ташаббуси билан «Очиқ эшиклар куни» тадбири уюштирилди. Келажагимиз ворислари — ёшларимизнинг инглиз тилини ўзлаштиришларига яқиндан ёрдам бериш мақсадида марказ ходимларининг тадбир қатнашчилари эътиборига 600 хилдан ортиқ турли ўқув адабиётларини ҳавола этишгани эса ёшларни хурсанд қилгани аниқ.

— Марказимиз қошида кутубхона ташкил этганимиз хайрли иш бўлди, — дейди биз билан суҳбатда «Ҳамкорлик» маркази раҳбари Марк Палмер.— Шуни қувонч билан айтишим мумкинки, кутубхонамизда сиёсат, иқтисод, халқаро муносабатлар, ҳуқуқ, тарих, география, тиббиёт соҳалари бўйича инглиз тилида чоп этилган ўқув адабиётлари анчагина. Талабалар эса хоҳлаган пайтларида ушбу китоблардан фойдаланишлари мумкин.

Шунингдек, «Очиқ эшиклар куни» тадбири иштирокчилари марказ қошида ташкил этилган ўндан ортиқ клублар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Қувонч билан таъкидлаш лозимки, баҳс-мунозара, мусиқа санъати, аёллар ва эркаклар ҳамда спорт клублари ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига, ўз фикрларини эркин, равон баён этишларига катта ёрдам беради.

Бир сўз билан айтганда, «Очиқ эшиклар куни» тадбири шаҳримиз олий ўқув юртларидан ташриф буюрган талабаларда катта таассурот қолдирди. Чунки қатнашчилар «Ҳамкорлик» маркази ҳақида етарлича маълумот тўплашиб, марказ ходимлари томонидан тайёрланган қизиқарли бошқотирмалардан баҳраманд бўлишди.

**Нодира ВАҲОБОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг 1-босқич талабаси.**

*2005 — Сиҳат-саломатлик йили*

# ТАРАДДУД

**Ибн Сино халқаро жамғармаси томонидан Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан амалга оширилаётган тадбирлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда. Табобат оламининг улуғ олими Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигини нишонлашга қаратилган тайёргарликлар ҳам кутилган натижаларни бермоқда.**

Шу қутлуғ санага бағишланган навбатдаги «Халқаро ибн Сино ўқишлари» илмий-амалий анжумани дастури тайёрланди. Бухоро шаҳрида ташкил этиладиган бу катта илмий йиғинда улуғ аллома меросига доир бир неча маъруза қилинади.

Бундан бир йил аввал эса «Буюк мерос ва замонавий тиббиёт» шиори остида Тошкентда бундай халқаро анжуман уюштирилган эди.

# МАРКАЗНИНГ ЯНГИ ШОХОБЧАЛАРИ

**Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг бугунги фаолияти кенгайиб кетди. Ҳозир бу ерда 40 нафардан ортиқ тажрибали олимлар ва малакали шифокорлар муолажалар олиб бормоқда.**

Марказ томонидан ишлаб чиқилган даволаш ташхиси андозалари жойларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Марказнинг Самарқанд, Андижон, Урганч шаҳарларидаги диспансерларининг моддий-техника негизи янада мустаҳкамланди. Нукус ва Гулистон шаҳарларида эса марказ шохобчаларини очиш тараддуди кўрилмоқда.

# ТРАНСПОРТЧИЛАР МАМНУН

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси таркибидаги тиббиёт-санитария қисмида олиб борилаётган даволаш ишларидан транспортчилар мамнун. Бу шифобахш даргоҳда Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан янги бўлимлар очилди.

Компанияга қарашли 3 та оромгоҳда ҳордиқ чиқарувчиларнинг умумий сонини сақлаб қолган ҳолда турли муолажаларни уюштириш ҳам йўлга қўйилди. Бундай имкониятдан пойтахтнинг Учтепа тумани аҳолиси ҳам фойдаланиши мумкин.

**Акбар АЛИЕВ**



Яқинда Учтепа туманидаги «Кўкча-Оқтепа» маҳалласида «Бир болага етти қўшни ота-она» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида айнан юқоридаги саволларга жавоб изланди.

Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва «Кўкча-Оқтепа» маҳалласи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир янги фикрлар, таклифистаклар, мулоҳазаларга бойлиги билан барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Жумладан семинар-тренингда сўз олган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собит Имомов, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Неъмат Абдуллаев, «Чиғатой-Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов, Ўзбекистон жаҳон тиллари университетининг ўзбек тили кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Хадича Муҳиддинова, шу университетнинг немис филологияси факультети декани Юсуф Исмоилов, маҳалла фаоли, пиру бадавлат отахон Ҳамидулла Абдуллаевлар халқимизга хос бўлган одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, «ён қўшни — жон қўшни»га берилган беминнат ёрдам, кўмакка муҳтож, камхарж оилаларга, уларнинг фарзандларига кўрсатилган моддий ва маънавий ёрдам ҳақида, ўзбек халқининг қадим-қадимдан «боланинг бегонаси бўлмайди» деган ибратли нақлга қандай амал қилиб келганлиги тўғрисидаги мулоҳазаларни баён қилдилар.

*Қадриятларимиз*

## «БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА»

**Маҳаллалар қадим-қадимдан шарқона урф-одатлар, анъаналар, халқ удумлари тўла акс этган пурҳикмат жой бўлиб келган. У кишиларни иймон-эътиқодли, меҳр-шафқатли, элу юрт юмушига камарбаста, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этган. Хўш, бугунги кунда маҳаллаларимизда миллий қадриятларимиз, ўзлигимиз, қадим-қадимдан сақланиб келган «Бир болага етти қўшни ота-она» каби ибрат, тарбия воситаси бўлган удумларимиз қай даражада сақланиб келмоқда? Уларни янада бойитиш, ривожлантириш, бугунги кунга татбиқ этиш учун нималарга эътибор қаратилмоқда?**

Маълумки, маҳаллалар ноёб тузилма фаолияти, урф-одатларимизга ҳатто чет элликлар ҳам қизиқиш билан қарамоқдалар, уларни ўрганишга, яқиндан танишишга ҳаракат қилмоқдалар. Давра суҳбатида иштирок этган, юртимизда икки йилдан бери халқ университетлари Олмон уюшмасининг халқаро алоқалар институти вакили сифатида иш олиб бораётган чет эллик меҳмон Уве Гартеншлегер ҳар бир иштирокчининг фикрмулоҳазасини эшитар экан ўз ҳайратини қуйидагича ифодалади: «Ўзбек халқига хос бўлган миллий қадриятлар, урф-одатларнинг шу қадар кучлилиги мени лол қолдирди. Кўча-кўйда юрганимда ҳам одамларнинг бир-бирларига кўрсатаётган тавозе, ҳурматини, иложи борича бир-бирини қўллаб-қувватлашини кўриб ҳайрон қоламан. Билишимча, бундан 100 йил аввал озми-кўпми мана шундай илиқ муносабатлар бизнинг юртимизда ҳам бўлган экан. Лекин ҳозир буларнинг ҳеч бири сақланиб қолмаган. Мен истардимки сизлар асраб-авайлаб келаётган қадриятлар янада ривожланса, бойитилса. Токи ўсиб келаётган ёш авлод уни билса, ўрганса, амал қилса, бир-бирига бетаъма ёрдам қўлини чўзса ўзбек халқига ҳавас қилаётганлар сафи камаймайди. Халқ қадриятлари, миллий урф-одат, расм-русум, анъаналар шарқона яшаш тарзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради, уни ҳеч қачон йўқотмаслик керак.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла фаоллари, университет талабалари ва чет эллик меҳмонлар иштирок этган ушбу давра суҳбатида ҳар бир иштирокчи ёшлар тарбиясида қадимий урф-одатларни сақлаш, уларни ривожлантириш борасида нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақидаги саволига жавоб олди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Бир болага етти қўшни ота-она» мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Инсон ва табиат*

## ЕР РЕСУРСЛАРИ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Чўлланиш жаҳондаги кўплаб мамлакатлар учун жиддий иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммога айланмоқда. БМТнинг Атроф-муҳит дастури маълумотларига кўра, бунинг оқибатида ҳар йили қарийб 42 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрилмоқда.**

Пойтахтимизда чўлланишнинг олдини олиш, ер ресурсларини бошқариш ва тупроқ унумдорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган иккинчи миллий семинарда ана шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, фермерлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Орол муаммоси, ўтган асрда мустабид тузум томонидан табиатга нисбатан нотўғри хўжалик фаолияти юритилиши оқибатида минтақамизда ҳам чўлланиш жараёни кучаяётгани кузатиляпти. Шу боис мамлакатимиз биринчилардан бўлиб БМТнинг чўлланишга қарши кураш бўйича конвенциясини имзолади ва уни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бироқ, кўрилаётган изчил чора-тадбирларга қарамай, муаммо жиддийлигича қолмоқда, шўрланган ерлар майдони камаймаяпти.

Учрашув қатнашчилари чегара билмайдиган ушбу экологик муаммоларни ҳал этиш учун кучғайратни бирлаштириш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Марказий Осиё мамлакатлари олимлари ва мутахассислари шу мақсадда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва чўлланишнинг олдини олишга йўналтирилган минтақавий ҳаракат дастурини ишлаб чиқди.

Унда минтақа табиий бойликларидан тежабтергаб фойдаланиш, экотизимларнинг барқарорлигини таъминлаш, ўрмонзорларни кўпайтириш, Оролбўйидаги ноxуш вазиятни юмшатишга оид долзарб вазифалар қамраб олинган. Табиат мусаффолигини таъминлашда жамоатчилик иштирокини кучайтириш, аҳоли экологик маданиятини янада юксалтириш, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида атроф-муҳитга безарар технологияларни кенг фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Семинарда тупроқ унумдорлигини ошириш, обиҳаёт заҳираларидан оқилона фойдаланиш, биохилмахилликни асраш борасида амалга оширилаётган ишларга доир маърузалар тингланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## МАЪРИФИЙ ИСТИҚБОЛ ЯРМАРКАСИ

**Тошкентда Германиянинг академик алмашиш хизмати (DAAD) ҳамда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида «Чегарасиз таълим» халқаро ярмаркаси ўтказилди. Мазкур тадбир ишида Гёте институти, Американинг Халқаро таълим кенгаши (ACCELS ), Британия кенгаши (British Council), Франция, Малайзиянинг мамлакатимиздаги элчихоналари, Халқаро Вестминстер университети вакиллари иштирок этишди.**

— Ярмарканинг асосий мақсади ўзбекистонлик талаба ёшлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчиларини хорижий мамлакатларда мавжуд таълим имкониятлари билан таништиришдан иборат, — деди DAAD ахборот маркази раҳбари Маттиас Клингенберг «Туркистон-пресс» мухбирига.

М. Клингенбергнинг сўзларига қараганда 2005 йилда Германиянинг турли университет ва институтларида таҳсил олиш учун DAAD томонидан мамлакатимизнинг 100 нафар талабасига стипендия ажратилди, 1992 йилда Тошкентда DAAD ваколатхонаси очилганидан буён 1,3 мингдан зиёд ўзбекистонлик стипендиантлар Германиянинг ижтимоий, иқтисодий, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 320 та олий ўқув муассасаларида ўз билимларини оширишди.

— Сўнгги йилларда ўтказилган шундай ярмаркалар ижобий натижасини бермоқда, — деди Малайзия дипломатик миссияси ходими Гулчеҳра Умарова. — Ҳужжатларни расмийлаштириш тартиблари, ўқиш шароитлари билан кенгроқ танишган ўзбекистонлик йигит ва қизлар кўпроқ Малайзиянинг олий ўқув юртларини танлашмоқда.

Тадбирда Виктор Гюго француз маданият маркази томонидан Франция университетларининг интернет-сайтлари тўғрисидаги ахборот тақдим этилди. Ҳозирги вақтда сиртқи таълим миллий маркази фаолият юритмоқда. Бу халқаро таълим жараёнининг ахборот-коммуникация технологиялари имкониятлари тобора кенгайиб бораётганига ёрқин далилдир.

**«Туркистон-пресс»**

Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Дононинг тили қалбида, тентакнинг қалби эса тилида.

● Сўз ҳам мисоли япроққа ўхшайди: дарахтнинг барги кўп бўлса меваси оз.

● Ўткир тил — қобилият, узун тил — жазо.

● Ақлли одамларни мазах қилиш телбаларга хос.

● Аҳмоқларнинг устунлиги — ақлли одамлар устидан кулиш.

**Ҳикоят:**

● Кўр киши қоронғу кечада қўлида чироқ, елкасида кўвача билан йўлда кетмокда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб деди:

— Эй нодон, сен учун кеча-кундузнинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик баб-бараварку, чироқнинг нима фойдаси бор?

Кўр киши кулиб айтди:

— Бу чироқ ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кўнгил кўзи кўр бехабарлар учундир, токи менга урилиб, кўвачамни синдириб қўймагайсан.

**Байт:**

**Гарддай огуси бор**
**сўзни демагил,**
**Ҳазил бўлганда ҳам**
**оғринади дил.**

Луқмони Ҳакимдан: "Одобни кимдан ўргандинг?" деб сўрадилар. Луқмони Ҳаким жавоб берди. "Одобни беодоблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим!"

**Бирор эсли кишига**
**ҳатто ҳазил сўз айтсанг,**
**У шундан ҳам ўзига**
**чиқаради хулоса.**
**Аммо аҳмоқ кишига**
**юзлаб ҳикмат**
**ўргатсанг,**
**Барчаси унинг учун**
**туюлар ҳазил нарса.**

● Қабиҳ одамга саховат ҳам, донишлик ҳам қабиҳлик бўлиб кўринади. Ифлосга — ифлослик ёқади.

● Ёмон одам мисоли кўмир: мабодо куйдирмаса ҳам сени қора қилади.

Ёвуз одамлар киши танасида юриб, фақат яра бор жойда тўхтайдиган пашшага ўхшайдилар.

● Раҳмсиз кишилар бировга озор беришдан ҳузурланадилар.

● Муттаҳам доим серзарда, жасур эса мурувватлидир.

● Ёвузлик ҳамиша шафқатсизлик ва заифликдан келиб чиқади.

**Ҳикоят:**

●Найзаси заҳар билан булғанган Чаён сафарга чиқди. Кета туриб сув лабига етди. На олдига юролмай, на орқага қайтолмай туриб қолди. Чаённинг бу аҳволини Тошбақа кўриб, унга раҳм қилди. Уни ўз устига миндириб ва сувга тушди. Бир томонга қараб сузиб кетди. Шу пайтда Тошбақа косасига Чаённинг найза санчишидан чиққан овозни эшитди: "Бу қанақа овоз?" — деб сўради Тошбақа. Чаён жавоб берди: "Бу сенинг орқангга санчаётган найзамнинг овози, найзам орқангга ўтмаслигини билиб турсам ҳам, аммо одатимни ташлай олмайман". Бу тўғрида шундай деганлар.

**Чаённинг чақиши**
**беҳосдан эмас,**
**Бу унинг хулқидир:**
**чақмай туролмас.**

Тошбақа ўз-ўзига: "Шундан яхшиси йўққи, бу ярамасни ёмон феълидан қайтарай ва яхшиларни унинг зиёнидан қутқарай" деди-да, сувга шўнғиди. Чаённи тўлқин халок қилди.

*Спорт*

## ПОЛВОНЛАР КУЧ СИНАШДИ

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон-Ҳиндистон» дўстлик жамияти, Ўзбекистон кураш ва белбоғли кураш федерациялари ташаббуси билан миллий курашимизни янада оммалаштириш борасида қизиқарли мусобақа ўтказилди. Яъни ҳинд халқининг атоқли намояндаси Лаъл Баҳодир Шастри хотирасига бағишланган 1-халқаро турнирда энг кучли полвонлар ғалаба учун кураш олиб боришди.**

Миллий спорт туримизнинг икки йўналиши — кураш ва белбоғли кураш бўйича Тошкент Давлат циркида уюштирилган нуфузли халқаро мусобақаларда юртимиз вакилларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан жами юзга яқин полвонлар учтадан вазн тоифалари бўйича ўзаро баҳс юритдилар.

Шундай қилиб, кураш бўйича 73 килограммгача вазнда Жасур Ниёзовни финалда енгган Шамсиддин Саидов биринчи бўлиб ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин эгаллади. 90 килограммгача вазнда эса тажрибали полвон Давлат Чориевга тенг келадиганлар топилмади.

90 килограммдан ортиқ курашчилар ўртасида Икром Нуриллаев ва Фарҳод Жўллиев ўртасида ўтказилган ҳал қилувчи баҳсда И.Нуриллаевнинг қўли баланд келгани ҳолда хотира турнирининг ғолиблари сафидан жой олди.

Мутлақ вазнда эса Шуҳрат Муродов мусобақа ғолиби бўлди.

Белбоғли кураш бўйича баҳслар ҳам кескин ва муросасиз кечди. Бунда 73, 90 килограммгача ва 90 килограммдан ортиқ вазнларда Асилбек Эгамбердиев, Темур Шокиржонов ва Шавкат Омонуллаевлар зафар қучган бўлса, энг оғир вазнда ҳам Шавкат Омонуллаев ғалаба нашидасини сурди. Шуни таъкидлаш керакки, турнир ғолибларининг барчаси мамлакатимиз полвонларидан иборат бўлди. Фақат, кураш бўйича 90 килограммдан юқори вазнда қозоғистонлик Алим Эрматов учинчи ўринни эгаллаган бўлса, белбоғли кураш бўйича Алишер Юнусов /Қирғизистон/ ҳам 73 килограммгача вазнда учинчи бўлди. Белбоғли кураш бўйича 90 килограммдан юқори вазнда меҳмонлар энг яхши натижаларни кўрсатишди. Яъни тожикистонлик Толибжон Ҳасанов иккинчи, Қозоғистон вакили Бахти Жакибов ҳамда тожикистонлик яна бир курашчи Мурод Эрназаровлар учинчи ўринларни эгаллашди.

Хотира турнирининг барча ғолиб ва совриндорлари медаллар, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*«Шарқ гўзали — 2005»*

# ЮЛДУЗЛАР ЎЗБЕК ЗАМИНИДА БАҲС ЮРИТАДИ

**5-6 ноябрь кунлари мамлакатимизда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги доирасидаги саралаш мусобақалари бўлиб ўтади.**

Халқаро гимнастика федерацияси ўйинлари жадвалига «Шарқ гўзали» номи билан 2004 йилда киритилган Жаҳон кубогининг Тошкент босқичи ўтган йилнинг сентябрь-октябрь ойларида илк бор ўтказилганди. Ўшбу саралаш мусобақаларида 12 мамлакатнинг энг кучли бадиий гимнастикачилари қаторида умидли спортчилар ҳам қатнашиб, дастлабки совринлардан бирини қўлга киритишга муваффақ бўлганди.

Бу йили Тошкент анъанавий тарзда иккинчи маротаба шундай нуфузли мусобақанинг мамлакатимиз пойтахти номига мувофиқ бўлишига қизғин тараддуд кўрмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда жаҳон ҳамжамияти, қитъа доирасидаги йирик халқаро тадбирларни, шу жумладан спорт мусобақаларини ўтказиш борасида катта тажриба орттирилган ва кўпчилигимиз буни одатий ҳол этиб қабул қилишга ўрганиб бормоқдамиз. Лекин бу четдан қараганда шундай оддий туюлади. Аслида номзод мамлакатни танлаш жараёни мураккаб талаблар асосида ўтказилади. Хусусан, ўтган йили мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро гимнастика федерациясининг техник президенти Эгле Абруццини бу борада қуйидагиларни таъкидлаб ўтганди: «Жаҳон кубогининг босқичларини ўтказиш жойини танлашда номзод-мамлакатнинг ўзига хос мажмуавий мезонларга мувофиқлиги ўрганилади. Ўзбекистон бундай мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олгани бежиз эмас. Шубҳасиз, биринчи навбатда ҳар томонлама барқарор вазият инобатга олинган бўлсада, шу билан бирга бунга мустақил республикангизда оммавий ва профессионал спортнинг ривожланишига ҳукумат даражасида, шахсан Ўзбекистон Президенти томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани асосий туртки бўлди. Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтмоқчи эдимки, Ўзбекистон Осиё минтақаси мамлакатлари орасида Жаҳон кубоги доирасидаги бундай кенг кўламли мусобақаларни ташкил этишда ишонч билдирилган биринчи давлат ҳисобланади. Ўз навбатида, ўзбек диёрида бизга кўрсатилган меҳмондўстлик эса ташкилотчилар ўзига юклатилган вазифани қойил этиб амалга оширгани, демак ишонч тўла оқланганидан далолат беради.

Яхши маълумки, ҳар қандай мусобақанинг нуфузи фақат унда иштирок этаётган давлатлар билан эмас, балки аввалambор иштирокчи-спортчиларнинг мақоми, яъни амалдаги муваффақиятлари билан ўлчанади. Яқин тарихга яна бир бор назар ташласак. Ўша пайтда Тошкентнинг Жаҳон кубогининг саралаш турнири пойтахти этиб тайинланиши юзасидан қарор Бокуда бўлиб ўтаётган босқич мусобақаларида қабул қилинганди. Тез орада тайёргарлик ишлари жадал суръатларда бошлаб юборилди, лекин ташкилотчилар бироз хавотирга тушгандилар. Гап шундаки, дунё бўйича кучли гимнастикачиларнинг асосий таркиби Афинада бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида қатнашгандан сўнг дарров Тошкентдаги саралаш мусобақаларида ҳам иштирок этишининг (орадаги муддат жуда озлиги назарда тутилмоқда) гумон эканлиги ташвишлантирмаслиги мумкин эмасди. Мамлакатимизга Алина Кабаеванинг ўзи ташриф буюргани бундай хавотирга ўрин йўқлигини исботлади. Дарҳақиқат, 2004 йилги Тошкент мусобақаларига жаҳон миқёсида юксак марраларга эришган спортчилар келганди ва улар орасида Афинадаги Олимпиада ўйинлари ғолиби, уч карра жаҳон чемпиони, олти карра Европа чемпиони, Тошкент гимнастика мактабининг собиқ тарбияланувчиси Алина Кабаева ҳам бор эди. Ёш бўлишига қарамасдан, шундай даражаларга эришган Алина аслида ўзбекистонлик, Тошкент шаҳрида туғилган, Миробод туманидаги 60-мактабда ўқиши билан бирга, бадиий гимнастика бўйича илк сабоқларни ҳам шу ерда олган.

— Қаерда бўлмайин, туғилиб ўсган юртимга келиш, яқинларим, қариндош-уруғларим яшаётган шу азим шаҳарда ўтказилаётган мусобақаларда қатнашиш мен учун ғурурлидир. Албатта, Ватаним шарафини ҳимоя қилмаётганимдан афсусдаман, лекин ҳар доим мен ўзбек диёрида тарбия олиб, вояга етганимни ёдимда тутаман. Гўзал ва замонавий қиёфага эга бўлган севимли шаҳримда кўплаб йирик спорт мажмуалари борлиги ва нуфузли турнирлар ўтказилаётганидан жуда-жуда хурсандман. Қадрдон заминда эришган ғалабамда ўзбекистонлик томошабинларнинг бевосита ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уларнинг қўллаб-қувватлаб турганликларидан бениҳоя миннатдорман, — деганди Жаҳон кубогининг 2004-йилдаги Тошкент босқичи мутлақ ғолиби Алина Кабаева.

Бадиий гимнастика бўйича ўзбек мактабининг илк тарбияланувчиларидан бири, 1980-йилларда кўпгина нуфузли мусобақаларда ғалаба нашидасини сурган Венера Зарипованинг ҳам меҳмон сифатида турнирга ташриф буюргани томошабинларда катта қизиқиш уйғотганди.

— Менинг эришган зафарларим доимо Ватаним Ўзбекистон билан боғлиқ эканлигини кўпчилик яхши билган ва бу ҳақда такрор ва такрор қайтаришдан чарчамасдим... Бу юрт истеъдодларга бой эканлигига ишончим комил эди ва буни яна бир бор ўзбекистонлик ёш гимнастикачи қизларнинг чиқишларида кузатдим. Бу билан айтмоқчиманки, ғолиб бўлиш ёки совринли ўринларни эгаллаш осон эмас, лекин бугунги кунда ўзбекистонлик бадиий гимнастикачиларнинг ғолибликка даъвогар эканлиги яққол намоён бўлиб турибди, — дея таъкидлаб ўтганди «Оқшом» газеталарига берган интервьюсида Венера Зарипова.

Машҳур спортчининг фикрлари шунчаки башорат эмас, балки айни ҳақиқат бўлиб чиқди. Ўтган йилги мамлакатимизда ўтказилган саралаш ўйинларининг икки турдаги якка мусобақаларида ўзбекистонлик Олеся Ашаева кумуш ва бронза медалларини қўлга киритганди. Кўпкураш бўйича учинчи ўринни эгаллаган россиялик спортчи Ольга Капранова эса турнир аъло даражада ташкил этилганини эътироф этган ҳолда, «Тошкент мен учун доимо ёдимдан чиқмайдиган шаҳар бўлиб қолади, чунки айнан шу ерда профессионал спортда илк марта энг яхши натижаларга эришдим», дея таъкидлаганди.

Албатта, бугун мамлакатимиз мезбонлик қиладиган нуфузли мусобақа олдидан яна кўплаб билдирилган илиқ фикрларни келтириш мумкин. Шундай бўлсада, Халқаро гимнастика федерацияси бош котиби ўринбосари Андре Гуйсбулернинг ўтган йилги саралаш босқичи якунида айтган қуйидаги сўзларига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз: «Ҳар бир мусобақанинг поёнига етиши ва хайрлашиш вақти келиши муқаррар. Аммо биз хайр демаймиз. Барчамиз — иштирокчилар ва меҳмонлар ҳам Тошкентда ўзимизни уйимиздагидек ҳис этдик ва бунда ташкилотчиларнинг хизмати каттадир. Демак, биз яна бир бор меҳмондўст ўзбек заминида учрашгунча деб қоламиз».

Ният холис бўлса, албатта ижобат бўлади. Бир кундан кейин пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бадиий гимнастика бўйича жаҳон турнирининг галдаги саралаш мусобақаларига старт берилади. Эслатиб ўтамиз, Жаҳон кубоги олти босқичдан иборат бўлса, дастлабкилари йил бошидан буён Франция, Россия ва Озарбойжонда ўтказилган, яъни Ўзбекистон навбатдаги турнирга бадиий гимнастика юқори даражада ривожланган давлатлар қаторида мезбонлик қилади. Шуни ҳам ният қилиб қоламизки, буни спортчи қизларимиз ўз маҳоратлари билан мусобақаларда исботлашади.

**Ильмира ШАРАФУТДИНОВА.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*2005 йил 3 ноябрдан*

**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

**«ЮЛДУЗЛАР ПАРАДИ»**

**цирк дастурида супер шоу**
**Ирина Аллегрова**
**Темир йўллар қироличаси**
**Вагон кузатувчиси**
**ВЕРКА СЕРДЮЧКА**
**А.Пугачёванинг қиёфадошлар шоуси танловининг совриндорлари**
**Дастур директори Пётр Поминчук**

*Томошалар: 3, 4, 5, 6, 10, 12, 13, 19, 20, 26, 27 ноябрда 15.00да;*
*7, 8, 9 ноябрда 11.00 ва 14.00 да бошланади.*
*Чипталар цирк кассаларида ва туман кассалари томонидан сотилмоқда.*
*Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.*
*Касса соат 9.00 дан ишлайди.*
*Маълумотлар учун телефонлар:*
*144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.*

“Радиодеталлар” дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар, жамловчи электрон аудио ва видео ўлчов асбобларини сотади ва харид қилади.
Телефон: 68-93-93

*Мунажжим башорати*

### 3 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

**Бугун – улуғ айём куни, Рамазон ҳайити. Мустақиллик йилларидан буён бу айём умумхалқ миқёсида нишонланиб келинмоқда. Шундай қилиб, бугун уламолар ва кексаларимиз йўл-йўриқларига кўра иш тутиб, ота-оналарни, қариндош-уруғларни, айниқса кекса авлод вакилларини, беморлар ва ногиронларни бориб кўриш, уларнинг кўнгилларини олиб, хушнуд қилиш ҳаммамизга ҳам қарз, ҳам фарз.**

Улуғ айёмни хурсандчилик билан ўтказишда суюкли фарзандларимизни байрам сайлига олиб чиқиш, турли ширинликлар, тансиқ таомлар ва ўйинчоқлар олиб бериб кўнгилларини кўтариш ҳам энг савобли амаллардан бўлади.

**БУГУН:**

— фарзандлар билан сайру томошалар қилиш;

— ота-оналар, кекса қариндош-уруғларни бориб кўриш, совға-саломлар билан уларнинг кўнглини олиш;

— узоқлашиб кетган қариндошлар, дўст-биродарлар билан яқин алоқаларни тиклаш;

### 4 НОЯБРЬ, ЖУМА

**Мунажжимларнинг фикрича, бугунги кун қулай астрологик фонга эга бўлади. Кунининг иккинчи ярмида Қуёш Чаён буржининг "шоҳлар манзили" деб аталган 13-даражасига киради ва бу бир қарашда ўзаро ҳеч қандай боғлиқлиги бўлмаган далилларни бир-бирига боғлаш рамзи ҳисобланади. Шу тариқа, олимларнинг моддий олам барча қисмлари ўзаро таъсирини бошқарувчи жараёнлар моҳиятини чуқур англаб етишга уринишлари бошқа кунларга нисбатан анча муваффақиятли бўлади.**

Бошқа мутахассислик эгалари бўлган кишиларга барча анъанавий ҳунармандчилик ишларида, шунингдек оилавий, тарихий-маданий ва диний анъаналарни мустаҳкамлашда омад ёр бўлади. Ўтмишдошларингизнинг энг яхши натижаларига таяниб иш кўриш келгуси муваффақиятларингизнинг ишончли кафолатига айланади. Қуёш тақвими бўйича 19-кун рамзи шундан далолат беради.

**БУГУН:**

— кундалик ишларни давом эттириш;

— ўзингиз жуда яхши биладиган муаммоларнигина ҳал этишга киришиш;

— бугунги кунни жисмоний ва маънавий камолот йўлидаги изланишларга бағишлаш;

Жуда манфаатли туюлган таклифларни қабул қилиш, шошқалоқлик, безовталаниш, ўйламай қарорлар қабул қилиш ва дўстларингиз билан очиқ гаплашишдан ўзингизни тийинг.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 2495 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-108.

1 2 3 4 6